

**БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХМОНОВА ГУЛБАХОР ЭРГАШОВНА

**КОРОНАВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЎТКИР ПНЕВМОНИЯ ВА УНДАН
КЕЙИНГИ АСОРАТЛАРНИНГ НУР ТАШХИСИ ВА ДАВОЛАШ
МОНИТОРИНГИ АЛГОРИТМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) БЎЙИЧА
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Рахмонова Гулбахор Эргашовна

Коронавирус этиологияли ўткир пневмония
ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва
даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқиш 3

Рахмонова Гулбахор Эргашовна

Разработка алгоритмов диагностики и
мониторинг лечения острой пневмонии
коронавирусной этиологии и его последствия 38

Rakhmonova Gulbahor Ergashovna

Development of diagnostic algorithms and
monitoring of treatment of acute pneumonia
coronavirus etiology and its consequences 73

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 80

**БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИ, ГЕМАТОЛОГИЯСИ ВА
ИММУНОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХМОНОВА ГУЛБАХОР ЭРГАШОВНА

**КОРОНАВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЎТКИР ПНЕВМОНИЯ ВА УНДАН
КЕЙИНГИ АСОРАТЛАРНИНГ НУР ТАШХИСИ ВА ДАВОЛАШ
МОНИТОРИНГИ АЛГОРИТМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (Dsc) БЎЙИЧА
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/Tib567 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bgokim.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Тешаев Октябр Рухиллаевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Юсупалиева Гулнора Акмаловна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Даутов Таирхан Бекполатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нормурадова Нодира Муродуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази хузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.177.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 17А-уй. Тел.: (+99871) 203-11-03, факс: (+99871) 203-11-03; e-mail: info@bgokim.uz).

Диссертация билан Болалар онкология, гематология ва иммунология маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси 17А-уй. Тел./факс: (+998 71) 203-11-03).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Ш.Полатова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.Б.Мамедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди

Г.А.Юсупалиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (тиббиёт доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. COVID-19 эпидемиядан сўнг Хитойда 8000 дан ортиқ касалланиш ва 774 ўлим ҳолати кайд этилган, ўлим даражаси эса 7%ни ташкил этган. Коронавируслар инсонлар, бошқа сутэмизувчилар ва қушлар орасида кенг тарқалган РНК қобиқли вируслар бўлиб, нафас йўллари, ичак, жигар ва асаб тизими касалликларини келтириб чиқаради одатда иммунитетга эга одамларда шамоллаш аломатларини пайдо қилади. Бироқ, яқинда ўтказилган тадқиқотлар «...COVID-19 билан хасталанган беморларда сохта манфий ПЗР натижалари бўлган ҳолларда кўкрак қафаси компьютер томографиясининг (КТ) аҳамиятига эътибор қаратди КТ сезгирлиги 98% ни ташкил этди. Хитой миллий соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эълон қилинган расмий ташхис ва даволаш протоколининг 6-нашрига кўра, компьютер томографияси нафақат COVID-19 ташхисида касаллик ривожланишини кузатиш ва даволаш самарадорлигини баҳолашда ҳам муҳим аҳамиятга эга...»¹. Коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни нур ташхиси усулларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар рентгенография, мультиспирал компьютер томография (МСКТ) ва магнит-резонанс томография (МРТ) асосида коронавирус келтириб чиқарган пневмониянинг оғир кечиши, асоратларини дифференциациялашда рентгенография ва МСКТ аниқлиги, касалликнинг оғирлик даражасини баҳолашда кўрсатилган усулларнинг самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш долзарблигича қолмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқиш замонавий диагностик тиббиётнинг хал қилиниши лозим бўлган муаммоларидан биридир.

Жаҳонда коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўткир коронавирусли пневмонияни ташхислашда нур ташхислаш усулларининг ўрни ва самарадорлиги, коронавирус этиологияли ўткир пневмония ташхисотида турли нур ташхислаш усуллари босқичли алгоритмини ишлаб чиқиш, даволаш мониторингида нур ташхиси усулларининг аҳамиятини кўрсатиш ҳамда коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни даволаш мониторингида нур ташхислаш усулларини қўллаш алгоритмини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, коронавирус этиологияли пневмонияни эрта ташхислаш ва самарали даволашга

¹ ВОЗ Всемирная организация здравоохранения. Клиническое руководство по ведению пациентов с тяжелой острой респираторной инфекцией при подозрении на инфицирование новым коронавирусом (2019-nCoV). 2020.

йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги 176-сон «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Iowa, University of Southern California (АҚШ); University of Cambridge (Великобритания); Universität Ulm am Bezirkskrankenhaus Günzburg (Германия); Hospital Clínico San Carlos (Испания); University of Catania,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.univr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Università degli Studi di Milano (Италия); Saga University; Kawasaki Medical School (Япония); University of Zhengzhou; University of Hebei Medical; University of Jiangnan; University Chinese Academy of Sciences (Хитой); University of Tokyo Metropolitan Cancer and Infectious diseases Center Komagome Hospital (Япония); Amsterdam University (Голландия); University of Thessaly (Греция); Sorbonne Université (Франция); N.N.Petrov Research Institute of Oncology (Россия); Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқиш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхисида КТ, МРТ ва ПЭТни ўрни ва аҳамияти исботланган University of Southern California (АҚШ); IGG4-ассоцирланган плевритда торакоскопик маълумотлари асосида ўсмани эрта ташхислаш тартиби ишлаб чиқилган Kawasaki Medical School (Япония); in vivo шароитида ўпканинг ривожланишининг янги замонавий хусусиятларининг тажриба шароитида баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган University of Cambridge (Буюк Британия); ўпканинг турли касалликларидан кейинги асоратларини олдини олишда нур ташхисининг ўрни ва аҳамияти исботланган Universität Ulm am Bezirkskrankenhaus Günzburg, Hannover Medical School (Германия); шикастланишдан кейинги ўпканинг тикланишини баҳолашнинг молекуляр, иммун, гуморал ва биоинженерия усулларида ёндошуви ишлаб чиқилган Perinatal Institute (Буюк Британия); (University of Catania, Италия); коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритми ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўткир коронавирусли пневмониянинг ўпка асоратларини аниқлашда турли хил нур ташхиси усулларининг аҳамиятини аниқлаш; ўткир коронавирус инфекциясидан сўнг ривожланган тромбоземблик асоратлар ва юз-жағ соҳаси суякларининг шикастланишини аниқлашда нур ташхиси усуллари имкониятларини кўрсатиш; коронавирус инфекциясидан сўнг ривожланган турли асоратларнинг нур ташхиси алгоритмини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. COVID-19 кўкрак қафасини тасвирлаш натижалари дастлаб 2020 йил январь ойида эълон қилинган бўлиб, унда касалхонага ётқизилган беморларнинг аксариятида ўпканинг икки томонлама зарарланиши ва хира ойна кўринишидаги бирламчи белгилар қайд этилган [327]. Ўшандан бери COVID-19да кўкрак қафаси КТ натижалари ҳақида кўплаб мақолалар тезкор суръатда чоп этилган. COVID-19 билан оғриган беморларда кўкрак қафаси КТдан тўғри фойдаланиш ушбу касаллик

тарқалиши бошланганидан буён тўпланган тажрибага ва биринчи навбатда кундан-кунга ортиб бораётган илмий далилларга асосланиши лозим. Замоनावий тасвирлаш усулларида фойдаланиш имкониятини кенгайтириш коронавирус этиологияли ўткир пневмония ташхисини яхшилаш [4,6,7,16,19,22,23,111,113]. Коронавирус этиологияли ўткир пневмония ташхисининг умумий комплексида юқори технологияли тасвирлаш усуллари қўллаш касалликнинг дастлабки босқичларида пневмонияни аниқлаш даражасини сезиларли тарзда оширади [23,24,25,29,30]. Бироқ, афсуски, коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг дастлабки клиник белгилари анча кеч намоён бўлади ва кўпинча катта ёшдаги ҳамда қандли диабет, юрак касалликлари каби сурункали касалликларга чалинган беморларда оғир кечиши кузатилади. Шу сабабли, рентгенография, компьютер томографияси каби замоनावий технологиялар билан биргаликда ўткир пневмонияни аниқ ва ўз вақтида ташхислаш ҳамда даволашни назорат қилиш замоनावий нур ташхисининг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда [11, 30, 108,113]. Замоनावий тиббиёт муассасаларида протоколга мувофиқ коронавирус этиологияли пневмониянинг тарқалишини аниқлаш ва аниқлаштириш учун энг яхши стандарт МСКТ ҳисобланади. У касалликнинг кечиши ва даволашни юқори аниқлик билан кузатиш имконини беради (Беляков Н.А. 2020; Сперанская А.А. 2020). МСКТ ўтказилганда ташхис қўйиш ва ички аъзолар ҳолатини ташхислашнинг аниқлиги сезиларли даражада ошади. В.С.Петровичев ва ҳаммуаллифлар (2020) маълумотларига кўра, коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни эрта аниқлашда комбинацияланган рентгенография ва МСКТнинг сезгирлиги ва ўзига хослиги мос равишда 95%-98% гача кўтарилади. Шу билан бирга, Yang S., Zhang Y. ва ҳаммуаллиф. (2020 й) иккала тасвирлаш усулини таққослаб, рентгенография ва МСКТ касалликнинг кечки босқичларида деярли бир хил натижаларни кўрсатишини, КТ эса эрта босқичларда юқори аниқликка эга эканлигини аниқлашган.

Мамлакатимизда коронавирус билан зарарланган шахсларнинг турли орган ва тизимларнинг сурункали ўзгаришлари натижасида юзага келадиган ўзгаришларни самарали ташхислаш ва даволаш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда (Л.Н.Туйчиев, 2020; Н.Н.Парпиева ва б.2022, Л.Н.Туйчиев 2023, Ж. Жонибеков 2023; А.К.Шадманов, 2022; У.Э.Эралиев, 2024), бироқ, коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмлари ишлаб чиқилмаган.

Шундай қилиб, ўткир коронавирусли пневмонияни ташхислашда нур ташхислаш усулларининг ўрни ва самарадорлигини баҳолаш, коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни ташхислашда турли нур ташхислаш усуллари босқичли алгоритмини ишлаб чиқилмаган. Ўткир коронавирусли пневмонияни даволаш мониторингида нур ташхиси усуллари аҳамиятини кўрсатиш зарур. Коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни даволаш мониторингида нур ташхислаш усуллари қўллаш алгоритми

ишлаб чиқилмаган. Коронавирус инфекциясидан сўнг ривожланган турли асоратларнинг нур ташхиси алгоритмини ишлаб чиқилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011800230-сон «Қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси органлари касалликларининг замонавий ташхислаш ва даволаш» (2018-2022 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нур ташхиси усулларини комплекс қўллаш орқали коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва унинг асоратларини ташхислаш ҳамда даволаш мониторинги натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни ташхислашда кўкрак қафаси рентгенографияси (КҚР) ва кўкрак қафаси компьютер томографияси (КҚКТ) имкониятларини аниқлаш, уларнинг сезувчанлиги, ўзига хослиги ва коронавирус пневмониясини ташхислашдаги ўрни ва самарадорлигини баҳолаш;

коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни эрта аниқлашда турли нур ташхислаш усулларининг босқичли алгоритмини ишлаб чиқиш;

коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг даволаш мониторингида унинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида КҚРни Care-score шкаласини қўллаш орқали диагностик имкониятларини ошириш;

коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни ташхислашда ва даволаш мониторингида кўкрак қафаси компьютер томографияси (КҚКТ) ва ультратовуш текшириш (УТТ) усулларининг самарадорлигини (сезувчанлиги ва ўзига хослиги) аниқлаш;

коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг даволаш мониторингида турли нур ташхиси усулларини қўллаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

коронавирус этиологияли ўткир пневмониясининг ўпка асоратларини аниқлашда КҚР, КҚКТ ва УТТ нур ташхиси усулларининг ўрнини баҳолаш; коронавирус этиологияли ўткир пневмониясидан сўнг ривожланган тромбозлиқ асоратлар ва юз-жағ соҳаси суякларининг шикастланишини аниқлашда нур ташхиси усуллари имкониятларини кўрсатиш;

коронавирус этиологияли ўткир пневмониясидан сўнг ривожланган турли асоратларнинг нур ташхиси алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2021 йиллар давомида коронавирус этиологияли ўткир пневмония билан касалланган 3748 нафар Тошкент вилояти "Назарбек" ихтисослаштирилган COVID-19 марказига ўпкаси турли даражада коронавирус пневмонияси билан зарарланиши туфайли мурожаат қилган беморлар ва коронавирус этиологияли ўткир пневмониядан кейинги турли асоратларга чалинган 463 нафар Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли шифохонасига 2021-2023 йиллар давомида мурожаат қилган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш

мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқишда лаборатория таҳлиллари (умумий қон таҳлили, коагулограммалар, қоннинг иммунологик текширувлари, ферритин даражасини аниқлаш, Д-Димер, прокалцитонин ва ПЗР таҳлиллари, кўкрак қафаси рентгенографияси (КҚР); кўкрак қафаси компьютер томографияси (КҚКТ) текшируви, ультратовуш текшируви (УТТ) тадқиқот усуллари материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқишда клиник, инструментал, нурли ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг нур ташхислаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар қиёсий таҳлил қилинди ва кўкрак қафаси рентгенографияси (КҚР) имкониятлари, сезувчанлиги ва ўзига хос белгиларининг ўрни исботланди;

коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни ташхислашда турли нур ташхиси имкониятларидан фойдаланган ҳолда касалликни эрта аниқлаш босқичли нур ташхиси ишлаб чиқилди. Бунда биринчи босқичда саралаш сифатида кўкрак қафаси рентгенографияси, иккинчи босқичда ўзгаришларни аниқ ифодалаш мақсадида КҚКТдан фойдаланиш; учинчи босқичда коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни асоратларини ташхислашда нур ташхиси усуллари комплекс қўллаш самарали эканлиги исботланди;

коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг даволаш мониторингида унинг самарадорлигини баҳолашда кўкрак қафаси рентгенографиясининг (КҚР) ташхисий имкониятларини ошириш мақсадида Care-score шкаласи қўлланилди ва бу КҚР имкониятларини 18% га ошириш имконини берди.

коронавирус этиологияли пневмонияни даволаш мониторингида унинг клиник кечиши ва асоратларини башоратлашда КҚР ва КҚКТ нур ташхислаш усулларида аҳамияти ва афзалликлари исботланди;

коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг ўпкадаги ва ўпкадан ташқари асоратлари ташхисотида КҚР, КҚКТ, МРТ ва УТТларини комплекс қўллаш орқали асоратларни эрта аниқлашдаги ўрни аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг нур ташхислаш усулларида семиотикаси баҳоланган;

етарли клиник материаллар асосида нур ташхис усуллари маълумотлари клиник тадқиқот натижалари билан таҳлил қилинди ва даволаш муолажалари давомийлиги нур ташхиси натижалари билан мақбуллаштирилган;

касалликнинг босқичига қараб ҳар бир нур ташхиси усулининг ўрни ва самарадорлигини баҳолаш орқали коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни эрта баҳолаш тартиби такомиллаштирилган;

турли нур ташхиси усулларида қўллаш орқали касалликни эрта аниқлаш босқичли ташхисоти ишлаб чиқилган;

коронавирус этиологияли ўткир пневмонияда нур ташхис усулларини қўллашнинг тизимлаштиришнинг мақбул алгоритми ишлаб чиқилди;

коронавирус этиологияли ўткир пневмониядан кейинги турли хилдаги кўп учрайдиган асоратларининг нур ташхиси алгоритми ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, нур ташхиси, биокимёвий патогистологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқишнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар ва хулосалар коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқиш орқали даволаш муаммосини ўрганишга катта ҳисса қўшади. Коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг самарли нур ташхис усулларнинг аниқлаштириш семиотикаси, ташхислашнинг сезгирлиги, аниқлиги натижасида даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқишнинг назрий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти беморларни даволаш натижалари ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқиш орқали даволаш тактикасини тўғри танлаш ва амалиётга татбиқ этиш орқали беморларнинг умр кўриш давомийлигини узайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Коронавирус этиологияли ўткир пневмония ва ундан кейинги асоратларнинг нур ташхиси ва даволаш мониторинги алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

Биринчи илмий янгилик: ўткир коронавирус этиологияли пневмониянинг нур ташхиси усуллари тўғрисидаги маълумотлар қиёсий таҳлил қилинди ва кўкрак қафаси рентгенографияси (КҚР) имкониятлари, сезувчанлиги ва ўзига хос белгиларининг ўрни исботланганлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 9 декабрдаги 8 п/р 14/45-сон билан тасдиқланган «Коронавирус этиологияли ўпка пневмониясини нур ташхиси» ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 9 декабрдаги 8 п/р 14/44-сон «Коронавирус этиологияли ўпка пневмонияси асоратларининг нур ташхиси» номли услубий тавсияномаларнинг мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 08.11.2024 йилдаги №155 И/Ч – сон буйруқ ҳамда Республика

шошилиш тиббий ёрдам маркази Бухоро филиалининг 26.02.2025 йилдаги №61-сон буйруқ ва Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 20.11.2024 йилдаги 02/712-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 июндаги 20/30-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** илгари ташхисланмаган ўзгаришларни эрта аниқлаш патогенетик даволашни ўз вақтида бошлаш ва беморлар прогнозини яхшилаш имконини, ҳамда беморлар умр давомийлигини узайишига қаратилган замонавий ташхислаш тартиби амалга ошириш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** Тадқиқот иқтисодий самарадорлиги касаллик белгиларини рентгенологик усуллар ёрдамида эрта аниқлаб назоратга олиш ва даволаниш бошланганидан мониторинг қилиш билан асоратларни камайтиришга олиб келди. Бу эса ўз навбатида ҳар 100 нафар бемор учун 120000000 сўмни ташкил этди. **Хулоса.** ўткир коронавирус этиологияли пневмониянинг нурли ташхислашда кўкрак қафаси рентгенографияси (КҚР) имкониятлари, сезувчанлиги ва ўзига хос белгиларининг ўрни исботлаш ёрдамида касаллик тарқалишини олдини олишнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўртача 120 000 0000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Иккинчи илмий янгилик: коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг асосий нур ташхисотида ва унинг имкониятларини турли нур ташхиси усулларини қўллаш орқали касалликни эрта аниқлаш босқичли ташхисотини ишлаб чиқиш биринчи босқичда саралаш сифатида кўкрак қафаси рентгенографияси, иккинчи босқичда ўзгаришларни аниқ ифодалаш мақсадида кўкрак қафаси МСКТдан фойдаланиш; учинчи босқичда коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни асоратларини нур ташхиси усулларини комплекс қўллаш тартиби исботланганлиги Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 9 декабрдаги 8 п/р 14/45-сон билан тасдиқланган «Коронавирус этиологияли ўпка пневмониясини нур ташхиси» ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 9 декабрдаги 8 п/р 14/44-сон «Коронавирус этиологияли ўпка пневмонияси асоратларининг нур ташхиси» номли услубий тавсияномаларнинг мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 08.11.2024 йилдаги №155 И/Ч – сон буйруқ ҳамда Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази Бухоро филиалининг 26.02.2025 йилдаги №61-сон буйруқ ва Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 20.11.2024 йилдаги 02/712-сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 июндаги 20/30-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** ушбу илмий янгиликнинг моҳияти шундаки, у босқичма-босқич диагностика ёндашуви орқали оғир асоратларнинг олдини олиш орқали самарали даволаш стратегияларини амалга оширишга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** Тадқиқот иқтисодий

самарадорлиги касаллик белгиларини аниқлаб даволаниш бошланганидан рентгенологик усуллар ёрдамида мониторинг қилиш, беморларда касалликни назорат остига олишга, асоратларни камайтиришга, касалхонадан эрта чиқиб кетишга олиб келди. Ўртача беморларнинг касалхонада даволаниши 1 нафар бемор учун 12 кундан 8 кунга қисқарди ва эхтимолий ҳаражатларни тежашга олиб келди. Бу эса беморларни 4 кунлик эхтимолий касалхонага ётиш, муолажаларни олиш, кунлик овқатланиши ва босжқа ҳаражатлар ҳисобидан бир бемор учун 2 200 000 сўмни тежашга сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида ҳар 100 нафар бемор учун 220 000 0000 сўмни ташкил этди. **Хулоса.** ўткир коронавирус этиологияли пневмониянинг нур ташхисида турли радиологик усуллардан самарали фойдаланиш касаллик тарқалишини олдини олишнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўртача 220 000 0000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Учинчи илмий янгилик: ўткир коронавирусли пневмониянинг ташхисотида кўкрак қафаси рентгенографиясининг (КҚР) ташхисий имкониятлари ва даволаш мониторингида унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Care-score шкаласининг қўлланилиши орқали КҚР имкониятларини 18% га оширишдаги ўрни исботланганлиги Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 9 декабрдаги 8 п/р 14/45-сон билан тасдиқланган «Коронавирус этиологияли ўпка пневмониясини нур ташхиси» ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 9 декабрдаги 8 п/р 14/44-сон «Коронавирус этиологияли ўпка пневмонияси асоратларининг нур ташхиси» номли услубий тавсияномаларнинг мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 08.11.2024 йилдаги №155 И/Ч – сон буйруқ ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Бухоро филиалининг 26.02.2025 йилдаги №61-сон буйруқ ва Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 20.11.2024 йилдаги 02/712- сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 июндаги 20/30-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги**

қуйидагича: ўткир коронавирусли пневмониянинг ташхисотида кўкрак қафаси рентгенографиясининг ташхисий имкониятлари ва даволаш мониторингида унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Care-score шкаласининг имкониятларидан фойдаланиш орқали ушбу усулнинг самарадорлигини ошириши, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш орқали самарали даволаш тартибини татбиқ этиш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:** ўткир коронавирусли пневмониянинг ташхисотида кўкрак қафаси рентгенографиясининг ташхисий имкониятлари ва даволаш мониторингида унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Care-score шкаласининг имкониятларидан фойдаланилмаган ҳолда коронавирус инфекциясини юқтириш натижасида оғир аҳволга тушган беморлар учун самарали булди асоратлардан муҳофаза қилишга эришиш орқали ўртача 175000000 сўм

маблағни иқтисод қилишга эришилди. **Хулоса.** ўткир коронавирусли пневмониянинг ташхисотида кўкрак қафаси рентгенографиясининг ташхисий имкониятлари ва даволаш мониторингида унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Care-score шкаласининг имкониятларидан фойдаланилиш орқали ўртача 175000000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Тўртинчи илмий янгилик: коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни даволаш мониторингида унинг клиник кечиши ва асоратларини башоратлашда КҚР ва КҚКТ нур ташхислаш усулларининг аҳамияти ва афзалликлари ҳисобига даволаш мониторингида нур ташхиси усулларини динамикада қўллаш орқали даво тактикаси мувофиқлаштириш тартиби исботланганлиги Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 9 декабрдаги 8 п/р 14/45-сон билан тасдиқланган «Коронавирус этиологияли ўпка пневмониясини нур ташхиси» ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни вазирлигининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 9 декабрдаги 8 п/р 14/44-сон «Коронавирус этиологияли ўпка пневмонияси асоратларининг нур ташхиси» номли услубий тавсияномаларнинг мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 08.11.2024 йилдаги №155 И/Ч – сон буйруқ ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Бухоро филиалининг 26.02.2025 йилдаги №61-сон буйруқ ва Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 20.11.2024 йилдаги 02/712- сон буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 июндаги 20/30-сон хулосаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича: коронавирус этиологияли пневмонияни даволаш ва башоратлаш натижаларини баҳолашда турли нур ташхислаш усулларининг аҳамиятини инобатга олиш танланган усулнинг афзаллиги ҳисобига даволаш мониторингини амалга оширишда нур ташхиси усулларини динамикада қўллаш орқали даво тактикаси мувофиқлаштириш тартибида асоратларни олдини олиш, клиник-морфологик вариантларига боғлиқ холда ўпканинг тўлиқ шикасланишини олдини олиш, организмни тиклашга қаратилган тактикасини амалга ошириш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** коронавирус этиологияли пневмонияни даволаш ва башоратлаш натижаларини баҳолашда турли нур ташхислаш усулларининг аҳамияти ва афзалликлари ҳисобига даволаш мониторингида нур ташхиси усулларини динамикада қўллаш орқали даво тактикаси мувофиқлаштириш тартибини татбиқ этиш орқали коронавирус инфекциясини асоратлари билан қутилмаган госпитализациялар сонини камайтириш ҳисобига ҳар 100 беморни даволаш учун сарфланадиган ўртача харажатни 150000000 сўмгача қисқартириш мумкин. **Хулоса.** коронавирус этиологияли пневмонияни даволаш натижасида қутилмаган госпитализациялар сонини камайтириш ҳисобига ўртача 150000000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Бешинчи илмий янгилик: коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг ўпкадаги ва ўпкadan ташқари асоратлари ташхисотида (КҚР),

КТ, МРТ ва УТТларининг ўрни ва афзалликлари комбинацияланган тартиби ва унинг ўрни кўрсатилганлиги Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 9 декабрдаги 8 п/р 14/45-сон билан тасдиқланган «Коронавирус этиологияли ўпка пневмониясини нур ташхиси» ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2022 йил 9 декабрдаги 8 п/р 14/44-сон «Коронавирус этиологияли ўпка пневмонияси асоратларининг нур ташхиси» номли услубий тавсияномаларнинг мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 08.11.2024 йилдаги №155 И/Ч – сон буйруқ ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Бухоро филиалининг 26.02.2025 йилдаги №61-сон буйруқ ва Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази 20.11.2024 йилдаги 02/712- сон буйруқ билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 20 июндаги 20/30-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагича:** коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг ўпкадаги ва ўпкадан ташқари асоратлари ташхисотида (КҚР), КТ, МРТ ва УТТларининг ўрни ва афзалликлари комбинацияланган тартиби ва унинг ўрни кўрсатиш натижасида беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши, ногиронликнинг ортиши, доимий равишда дори таъминоти, ўзгалар парваришига муҳтожликни олдини олиш орқали ва пациентларнинг умр давомийлигининг узайтириш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг ўпкадаги ва ўпкадан ташқари асоратлари ташхисотида (КҚР), КТ, МРТ ва УТТларининг ўрни исботлаш натижасида коронавирус инфекциясини юқтириб олган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга тўланадиган бир марталик 100000000 сўм ёки коронавирус инфекциясини юқтириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиғи тикланмаган тақдирда 250000000 сўм тўлов миқдори (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 26-мартдаги «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4652-сон қарори)ни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, 1 нафар ходимни саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш орқали ўртача 175000000 сўм маблағни иқтисод қилишга эришилади. **Хулоса.** коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг ўпкадаги ва ўпкадан ташқари асоратлари ташхисотида КҚР, КТ, МРТ ва УТТларининг ўрнини исботлаш орқали ўртача 175000000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 1 таси Scopus (Q4) базаси журнали, 4 таси хорижий ва 5 таси республика журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 175 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Ўткир коронавирус этиологияли пневмониянинг нурли ташхислашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи боби адабиётлар таҳлилига бағишланган бўлиб, унда ўткир коронавирус этиологияли пневмониянинг эпидемиологияси, ташхислаш, даволаш тўғрисидаги хорижий ва маҳаллий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Ўткир коронавирус этиологияли пневмониянинг нур ташхиси усуллари ва клиник даволашга ягона ёндошувларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосалар берилди, шунингдек тадқиқот натижаларининг юқори ишончлилиги тўғрисидаги илмий ишлар миқдорини камлиги диққатга сазовордир. Ўткир коронавирус этиологияли пневмониянинг нур ташхиси усуллари ўзига хослигини баҳолашда муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Материалнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг тавсифи, шунингдек даволашда ва тадқиқотда фойдаланилган усуллар тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Беморларнинг клиник тавсифи. Ушбу илмий ишда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Назарбек" ихтисослаштирилган коронавирус марказида 2020-2021 йиллар давомида (Тошкент вилояти) коронавирус этиологияли ўткир пневмония билан стационар даволанган 3748 нафар бемор нур ташхиси ҳамда даволаш мониторинги натижалари ва коронавирус этиологияли ўткир пневмониядан кейинги турли асоратларга чалинган 463 нафар Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасига 2021-2023 йиллар давомида мурожаат қилган беморларнинг нур ташхиси натижалари таҳлил қилинган. Коронавирус этиологияли ўткир пневмония билан касалланган беморлар сони ўрта ёш гуруҳидан (45-59 ёш) бошлаб кўпайиб боради. Касалланишнинг энг юқори даражаси 60-75 ёшга тўғри келади, бу барча беморларнинг 70,5

фоизини ташкил этади. Тадқиқотда меҳнатга лаёқатли ёшдаги (45-70 ёш) шахслар орасида пневмония билан касалланиш кўпроқ кузатилгани қайд этилган.

Беморларнинг аксарияти клиникага иситма (80,4%), йўтал (63,1%), ҳолсизлик (46%) ва балғам (41,8%) белгилари билан мурожаат қилишган. Бошқа умумий аломатлар: иштаҳанинг йўқолиши (38,8%), кўкрак кафасининг сиқилиши (35,7%), нафас қисилиши (35%), ҳансираш (33,9%) ва мушак оғриғи (33%) (14). Ҳид билиш қобилиятининг бузилиши (41,0%) ва таъм билиш функциясининг бузилиши (38,2%) ҳам кузатилган. Бошқа, камроқ учрайдиган аломатлар бош оғриғи (15,4%), томоқ оғриғи (13,1%), ич кетиши (12,9%), титроқ (10,9%), кўнгил айниши ва қусиш (10,2%) ҳамда қорин бўшлиғидаги оғриқ (4,4%) эди.

Тадқиқот усуллари. Covid-19 пневмонияси билан касалланган беморларни тадқиқотга киритиш, таклиф этилган даволаш самарадорлигини ва хавфсизлигини баҳолаш ҳамда объектив назорат қилиш мақсадида стандарт ва махсус лаборатория ҳамда инструментал текширув усулларида фойдаланилди.

Клиник-лаборатор тадқиқот усуллари. Коронавирус инфекцияси мавжудлигини тасдиқлаш учун ПЗР (полимераза занжир реакцияси) диагностикаси қўлланилди. ПЗР — организмда вирус мавжудлигини аниқлашга имкон берадиган усул. Текшириш учун бурун ва оғиз-ҳалқумдан суртма олинди. Ушбу усул қидирилаётган диагностика элементининг кичик концентрацияларини ҳам аниқлашга асосланган бўлиб, юқори сезгирлик ва аниқликка эга. Ички аъзолар функционал ҳолати қоннинг биокимёвий текширув усуллари ёрдамида баҳоланди. Қон ивиш тизимининг ҳолати баҳоланди.

Тадқиқотнинг инструментал усуллари

Рентгенологик текшириш усуллари беморларда барчасида рентгенография текшируви динамикада, ПХП-40ҲФ (Корея) рақамли рентгенография аппаратида барча беморларда касалхонага ётқизилган кунидан амалга оширилди ва динамикада ўта оғир ҳолатларда ҳар кун ўтказилди. Стандарт рентгенография дастлабки ўпкадаги ўзгаришларни аниқлашда кам сезгирликка эга бўлсада ўпка тўқимасида зичлашишни ошиши билан ўз аҳамиятини ошириб боради. 3748 беморнинг 10 фоизида, 18-44 ёш гуруҳлари орасида енгил даражадаги клиник манзара устунлик қилди.

Мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ)

Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида 608 нафар беморга "New Viz 64" (New Soft Хитой, 2016) қурилмасида ўтказилди.

Узоқ муддатли натижаларни баҳолаш учун МСКТ текшируви бемор даволанганидан сўнг 3, 6 ва 12 ой оралиқларида 463 нафар беморга динамикада амалга оширилди.

Магнит-резонанс томография (МРТ) Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида 32 нафар беморга ўтказилди. Тадқиқотлар "Philips" аппаратида ўтказилди. Шунингдек, T1 сканерлаш ва диффузион-

тасвирлаш (DWI) нафас олиш синхронизациясиз амалга оширилди. Тромбоэмболик асоратлар бош мияга ишемик инсульт ёки синус тромбозга сабаб бўлганда, чанок-сон бўғими асептик некрозига шубха бўлганда ҳам МРТ текшируви амалга оширилди.

Усулларнинг таххис қийматини баҳолаш қуйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилди: сезувчанлик, ўзига хослик ва умумий аниқлик: Сезувчанлик (Ce) = $XI / (XI + CC)$; Спецификлик (Cп) = $XM / (XM + \text{ЙИ})$; Умумий аниқлик (Acc): $(XI + XM) / (XI + XM + \text{ЁИ} + CC)$
Бунда: XI — ҳақиқий ижобий натижа, CC — сохта салбий натижа; XM — ҳақиқий манфий натижа; ЁИ — ёлгон ижобий натижа.

Диссертациянинг «**Коронавирус этиологияли ўткир пневмонияни таххислаш ва дифференциал таххислашда нур усулларининг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида коронавирус этиологияли ўткир пневмониянинг рентгенологик семиотикаси натижалари келтирилган. Тадқиқотимизда COVID-19 тасдиқланган 3748 нафар бемор бўлиб, шулардан 85,7% да бошланғич рентгенограммада сояланишлар бор эди (1-жадвал), 14,3% да эса келган кунда рентгенда ўзгаришлар йўқ лекин, клиник белгилари мавжуд эди. 96% дан ортиқ ҳолларда беморлар йўтал ва ҳароратнинг кўтарилишига шикоят қилишган, беморларнинг аксариятида заифлик кўринишидаги интоксикация устунлик қилган 92% ва фақат 17% ҳолларда қон тупуриш қайд этилган. Вирусли пневмония беморларда нафас сиқилиши 54% ва миалгия 73% каби белгилар билан ҳам намоён бўлди.

1-жадвал

Рентгенологик ўзгаришлар динамикаси:

Босқич	Рентген белгилари	%
Эрта босқич (0-4 кун)	Кўпинча нормал рентгенограмма ёки енгил периферик соялар кузатилади	33.1%*
Ривожланиш босқичи (5-8 кун)	Хира шиша ёки консолидация майдонлари кенгайиб боради	31.5%*
Чўққи босқичи (9-13 кун)	Икки томонлама кенг тарқалган зарарланиш, асосан пастки бўлақларда кузатилади	26.4%*
Сўрилиш босқичи (14+ кун)	Зичлик аста-секин камайиб боради, фиброз о'згаришлар	9%*
		*p<0.05


Кўкрак қафаси рентгенограммаларида ўткир коронавирус пневмониясининг (COVID-19) рентгенологик манзараси касалликнинг босқичи ва ўпка тўқимасининг зарарланиш даражасига қараб ўзгариши мумкин (p<0.05) (1-жадвал). Қуйида рентгенограммада кузатиладиган ўзига хос белгилар келтирилган (1-2 расм):



1-расм. Бемор Э. 47 ёш. Касалликнинг энгил кечиши: пастки бўлақлардаги энгил, ноаниқ чегараланган периферик интенсивлиги паст сояланишлар мавжуд

Беморларнинг аксарият қисмида касаллик иккала ўпкани барча майдонини эгаллаган кўринишда бўлиб, сояланишлар ҳам юзага келган муддатага қараб паст, ўрта ва юқори интенсивликдаги сояланишлар шаклида намоён бўлди (2-расм).

Йўлдош касаллиги бор беморларда касаллик энгилдан тез оғир ва ўта оғир ҳолатдаги беморларда кўкрак қафаси рентгенограммаси аксарият ҳолларда бемор ўтирган ёки ётган ҳолатларида бажарилиб, қўйида қандли диабет сурункали хасталиги билан касалланган бемор рентгенограммасида иккала ўпкада жараён кенг тарқалганлиги кўрилди.



А



Б

2-расм. Кўкрак қафаси олд томондан олинган тўғри рентгенограммаси. Бемор Э. 49 ёш. А. Бемор келгандаги рентгенограммаси. Иккала ўпка пастки, ўрта ва юқори майдонлари периферик қисмларида юқори интенсивликдаги сояланиш, марказий қисмларида паст интенсив сояланиш аниқланади. Б. Давонинг 7 кунда олинган рентген текширувида ўпка марказий қисмларидаги сояланишлар камайганлиги периферик қисмларида ўпка суратининг тикланаётганлиги кўринади.

6-7 расмлардан кўришиб турибдики даволаниш жараёнида паст интенсивликдаги сояланишлар юқори интенсивликдаги сояланишлардан

тезроқ сўрилганлиги ва юқори интенсивликдаги сояланишлар эса секин сўрилганлиги ва айрим қисмларда фиброз шаклида қолганлиги аниқланади (2-жадвал).

2-жадвал

Коронавирус пневмониясига чалинган беморларда кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенограммаларидаги ўзгаришлар


Рентген белгилари	№
Ўпка ёруғлигининг пасайиши (хиралашиши)	56%*
Тўрсимон ўзгаришлар	29%*
Плевра қалинлашуви ёки плеврит	12%
Ўпка тўқимасининг маҳаллий зичлашуви (Консолидация)	37%*
Фиброзланиш	43%*
	*p<0.05

COVID-19 тасдиқланган ПЗР билан касалланган беморларнинг маълумотларини ўрганишда 53 беморда кўкрак қафасининг нормал рентгенограммалари мавжуд эди. Периферик бронхоэктазлар билан касалланган 86 нафар беморнинг рентгенограммаларида ҳам ҳеч қандай патологик ўзгаришлар аниқланмади. Тадқиқотимизда COVID-19 тасдиқланган 3748 нафар бемор бўлиб, шулардан 85,7% да бошланғич рентгенограммада сояланишлар бор эди, 14,3% да эса келган кунида рентгенда ўзгаришлар йўқ лекин, клиник белгилари мавжуд эди.

Касалликнинг дастлабки босқичларида рентгенографик тасвирлар паст интенсивликдаги сояларни сезмаганлиги туфайли ўпка тасвири нормал кўринишда бўлди, шу сабабли сезувчанлиги 67% ни ташкил этди.

